



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШДА ХУҚУҚИЙ ТАЪРИФ ВА ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ ЧЕГАРАЛАРНИ АНИҚЛАШ ЗАРУРАТИ

Нурмухаммедова Гўзалхон Баҳодировна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Жинойт-хуқуқий фанлар кафедраси доценти, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17707882>

ARTICLE INFO

Received: 11th November 2025

Accepted: 12th November 2025

Published: 25th November 2025

KEYWORDS

коррупция, коррупцияга қарши
кураш, хуқуқий таъриф,
жинойт-хуқуқий чегаралар,
коррупцияга оид жиноятлар,
“Ўзбекистон – 2030”
стратегияси, CPI индекси,
латентлик, тизимли
коррупция, мансаб
ваколатини суиистеъмол
қилиш, лоббизм, непотизм,
протекционизм, таъсир
савдоси, коррупция
субъектлари, моддий ва
номоддий манфаат,
коррупцияни таснифлаш,
халқаро конвенциялар, МДХ
намунавий қонунлари,
жинойт қонунчилигини
такомиллаштириш.

ABSTRACT

Мақолада коррупцияга қарши кураш соҳасида хуқуқий таъриф ва жиноят-хуқуқий чегараларни аниқлаш муаммоси комплекс тарзда таҳлил қилинади. Бошланғич қисмида “Transparency International”нинг коррупцияни қабул қилиш индекси (CPI) кўрсаткичлари ҳамда БМТ, Европа Кенгаши ва бошқа халқаро институтлар маълумотлари асосида коррупциянинг глобал хавфи, инсон хуқуқлари, қонун устуворлиги ва барқарор ривожланишга салбий таъсири ёритилади. Ўзбекистоннинг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, айниқса 89-мақсадда коррупцияга қарши курашишни устувор йўналиш сифатида белгилаши, шунингдек 2024 йилда коррупцияга оид жиноятлар статистикаси орқали миллий вазият таҳлил қилинади. Мақолада халқаро хуқуқий ҳужжатларда, жумладан БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Европа Кенгаши конвенциялари, МДХ доирасидаги намунавий қонунлар ва Россия, Беларусь, Қозоғистон қонунчилигида “коррупция” тушунчаси кенг таҳлил қилинади, бироқ ушбу ҳужжатларда ягона ва аниқ хуқуқий таърифнинг мавжуд эмаслиги қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонундаги таъриф ҳам танқидий ўрганилиб, унинг фақат пора олиш-бериш ва ваколатни суиистеъмол қилишга чеклангани, лоббизм, непотизм, протекционизм, таъсир савдоси каби замонавий кўринишларни тўлиқ қамраб олмаслиги кўрсатилади. Муаллиф коррупциянинг махсус субъект, мансаб ваколатидан ғаразли фойдаланиш, жамият ва давлат манфаатларига зидлик, латентлик ва тизимлилиқ каби белгиларини ажратиб, улар асосида такомиллаштирилган хуқуқий таъриф таклиф этади. Шу билан бирга, коррупцияга оид жиноятларни субъект, объект, шакл, хуқуқий оқибат ва манфаат тури каби мезонлар асосида модулли, мослашувчан таснифлаш ғояси илгари сурилади. Хулоса ўрнида бундай ёндашув

миллий жиноят қонунчилигини ривожлантириш, коррупция билан боғлиқ жиноятларни тўғри квалификация қилиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва суд-тергов органлари учун методологик асос сифатида хизмат қилиши таъкидланади.

Дунё миқёсида коррупция инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги ва давлат институтларининг самарали фаолиятига жиддий хавфлигича сақланиб қолмоқда. “Transparency International” маълумотларига кўра, 2012 йилдан 2024 йилгача фақат 32 та давлат коррупцияни сезиларли даражада камайтиришга эришган, 148 та давлатда эса вазият ё ўзгармай қолган, ёки ёмонлашган. 2024 йил ҳолатига кўра, давлатларнинг иккидан уч қисми CPI баҳоларида 50 баллдан паст натижа олган[1], бу эса, иқтисодий ўсишни секинлаштирилишида, инвестиция муҳитини заифлаштирилишида ва давлат бошқарувида шаффофликни сусайтирилишида ўз аксини топмоқда. Хусусан, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) маълумотиغا кўра, Африка қитъаси мамлакатлари коррупция туфайли ҳар йили ўз ялпи маҳсулотининг тахминан 25%ини йўқотмоқда, бу эса инвестициялар оқимини секинлаштириб, ижтимоий тенгсизликни оширадиган омилдир[2]. Бошқа таҳлилларга кўра, ривожланаётган мамлакатлар ҳар йили коррупция, порахўрлик, ўғирлик ва солиқдан бўйин товлаш натижасида тахминан 1,26 трлн АҚШ доллари йўқотмоқда – бу маблағ 1,4 миллиарддан зиёд инсонларни қашшоқликдан чиқаришга етар эди[3]. Коррупциянинг кенг тарқалиши ҳукуматларнинг барқарорлиги ва глобал тараққиётга таҳдид солиб, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари (хусусан, тинчлик ва адолатга доир 16-мақсад)га эришишни қийинлаштирмоқда.

Коррупцияга қарши кураш фақат ҳуқуқий йўл билан эмас, балки комплекс ёндашув асосида — сиёсий, иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда ҳам олиб борилиши лозим. Зеро, ушбу иллатнинг ўзига хос хусусияти — унинг юқори даражада мутобиқлашувчан, тизимли ва латент характерида намоён бўлади. Шу сабабдан, коррупцияга қарши курашда илмий асосланган ҳуқуқий таърифлар, жиноят таркибининг аниқ чегаралари ва классификация мезонларини ишлаб чиқиш ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 5 март кундаги Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишидаги нутқида “Ислохотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов — бу коррупциядир. Буни дунё тажрибаси ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Коррупция оқибатида жаҳон иқтисодиёти йилига 3 триллион доллар зарар кўраётгани бу глобал хавф эканидан далолат. Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказди, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади”[4], дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси мамлакатнинг узоқ муддатли барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган концептуал дастур бўлиб, унда инсон манфаатлари, давлат бошқаруви самарадорлиги ва қонун устуворлигини кучайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ушбу стратегия нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олади, балки давлат бошқарувида шаффофлик, ҳисобдорлик ва адолат тамойилларини мустаҳкамлаш орқали коррупцияга қарши тизимли курашни ҳам назарда тутди.

Стратегиянинг 89-мақсади — “Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш”[5] — мамлакатда амалга

оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар тизимида фундаментал аҳамият касб этади. Бу мақсад миллий тараққиётнинг барча соҳаларида ҳалоллик, очиқлик ва қонун устуворлигини таъминлашни стратегик вазифа сифатида белгилайди.

Мақсаднинг илмий-қонуншунослик жиҳатдан аҳамияти шундаки, у коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсати ва жиноят-ҳуқуқий тизимнинг энг устувор йўналишларини белгилаб берувчи методологик асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, унда белгиланган вазифалар — “Transparency International” ташкилоти томонидан эълон қилинадиган Коррупцияни қабул қилиш индексида (CPI) камида 50 поғонага кўтарилиш; давлат харидларида шаффофликни таъминлаш ва тўғридан-тўғри шартномалар орқали маблағларни талон-торож қилиш ҳолатларини икки баробарга камайтириш; барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни “коррупциядан холи қонунчилик” тамойили асосида ишлаб чиқиш — ҳам илмий-тадқиқот нуқтаи назаридан, ҳам ҳуқуқий амалиётда тадқиқ этиш учун муҳим манба ҳисобланади.

Таҳлилларга кўра, 2024 йилда республика бўйича судлар томонидан жами 4 649 та жиноят иши бўйича 7 354 нафар шахс коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган. Коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат манфаатларига жами 2 трлн 812 млрд сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланди. 2024 йилда 123 та ҳолатда ишга жойлашиш ҳамда 292 та ҳолатда банк кредитларини ажратиш, 640 та ҳолатда бюджет маблағидан фойдаланиш билан боғлиқ коррупцияга оид жиноятлар аниқланган[6].

2025 йил 5 март куни Давлат раҳбари раислигида бўлиб ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг кенгайтирилган мажлисида давлат органлари ва ташкилотларидаги коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти қониқарсиз деб баҳоланди. Мажлис яқунларига кўра, вазифаларини лозим даражада бажармаган 117 та идора ва ташкилотнинг ички назорат бўлимлари раҳбарлари лавозимларидан озод этилди.

2024 йилги маълумотларга кўра, коррупцияга оид жиноятлар учун судланган шахсларнинг соҳа кесимидаги таҳлили давлат хизматининг турли йўналишларидаги ҳолатни очиқ намоён этмоқда. Энг кўп ҳуқуқбузарлик ҳолатлари мактабгача ва мактаб таълими тизимида қайд этилган бўлиб, улар умумий миқдорнинг энг катта қисмини — 654 нафар шахсни ташкил этган[6]. Бу ҳолат таълим соҳасидаги молиявий ресурслар тақсимоли, тендер ва қабул жараёнларидаги шаффофлик етишмаслиги билан изоҳланади.

Иккинчи ўринда соғлиқни сақлаш тизими туриб, бу соҳада 342 нафар шахс коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарликка тортилган. Бу ҳолат тиббий хизматлар кўрсатиш, дори воситалари хариди ва ишга қабул жараёнларидаги коррупциявий омиллар билан боғлиқ.

Учинчи ўринни тижорат банклари соҳаси эгаллаб, 271 нафар ходим коррупцияга оид қилмишлар учун судланган. Бу эса молиявий операциялар ва кредит ажратиш жараёнларида шаффофликни таъминлашдаги муаммоларни кўрсатади.

Шунингдек, бандлик тизимида (202 нафар) ва электр тармоқлари соҳасида (111 нафар) ҳам коррупция ҳолатлари анча юқори бўлиб[6], бу соҳалардаги хизматлардан фойдаланишда фуқаролар билан бевосита мулоқотнинг кўплиги ҳамда назорат механизмларининг етарлича самарали эмаслиги бундай ҳолатларга замин яратганини кўрсатади.

Ушбу статистик рақамлар, бир томондан, ҳуқуқни муҳофаза органлари фаолияти самарадорлигини, иккинчи томондан эса, коррупциянинг ҳали-ҳамон салмоқли миқёсда мавжудлигини кўрсатади. Давлатимиз бу рақамларни пасайтириш мақсадида тинимсиз иш олиб бормоқда.

Профессор Е.И.Спектор коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ҳуқуқий тартибга солиш амалиётида мавжуд муаммолар ва ноаниқликларни бартараф этиш бўйича бир қатор долзарб таклифлар илгари суради. Муаллифнинг илмий позицияси коррупцияга қарши курашда изчил, тизимли ва ҳуқуқий аниқликка асосланган ёндашувни шакллантириш зарурлигини кўрсатади.

1. Норматив ноаниқликни бартараф этиш — яъни, мавжуд қонунчиликдаги коррупцияга оид атамаларнинг ноаниқ ва турлича талқин қилиниши ҳуқуқни қўллашда жиддий муаммолар келтириб чиқараётганини таъкидлайди. Шу сабабли, у ёки бўш формулировкаларни қонундан чиқариш, ёки уларни аниқ таърифлаш ва ҳуқуқий шарҳлар билан тўлдириш орқали бу муаммони ҳал қилишни таклиф қилади.

2. Ягона атамалар тизимини яратиш — муаллифнинг фикрича, коррупцияга қарши ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун ягона, аниқ ва изчил тушунчалар аппаратини ишлаб чиқиш зарур. Бу, ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг амалий фаолиятида тўғри квалификацияни таъминлайди, ноқонуний талқинларга йўл қўймайди ва ҳуқуқий барқарорликни мустаҳкамлайди.

3. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар учун аниқ ва муайян мезонлар белгилаш — Е.И.Спектор коррупция билан боғлиқ ҳаракатларнинг жиноят ёки ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланишида ягона ва аниқ белгиланган мезонлар жуда муҳим эканини таъкидлайди. Бундай ёндашув идентификация, квалификация ва жазо тайинлаш жараёнларини шаффофлаштиришга хизмат қилади.

4. Коррупцияга қарши тизимли ёндашув — муаллиф мавжуд услуб ўрнига комплекс ва тизимли сиёсатни йўлга қўйишни таклиф этади. Бу нафақат жиноятлар содир этилгандан сўнг жазолашни, балки уларнинг олдини олиш, профилактика қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, манфаатлар тўқнашувини назорат қилиш, оммавий ахборот воситаларини жалб этиш каби механизмларни қамраб олади.

5. Халқаро тажриба ва амалиётдан фойдаланиш — шунингдек, БМТнинг Коррупцияга қарши Конвенцияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар доирасида шаклланган илғор тажрибаларни миллий қонунчиликка татбиқ этишни муҳим, деб билади. Унинг фикрича, халқаро стандартлар ва ҳамкорлик воситаларини ҳисобга олиш ҳуқуқий тартибга солишни глобал тенденциялар билан уйғунлаштириш ва миллий ислохотларга таъсирчанлик бахш этишга ёрдам беради[7].

Шу тариқа, Е.И.Спекторнинг таклифлари коррупцияга қарши ҳуқуқий сиёсатда концептуал ва амалий ислохотларни амалга оширишга қаратилган бўлиб, қонунчилик аниқлиги, тизимлилик, институционал мувофиқлашув ва халқаро интеграцияни таъминлашга асосланган илмий-методологик ёндашувни таклиф этади.

Шу муносабат билан, коррупцияга қарши курашнинг жиноят-ҳуқуқий воситалари сифатида, жиноят қонунчилиги нормалари тушунилади. Ушбу нормалар жисмоний шахс томонидан ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жамият ёки давлатнинг қонуний манфаатларига зарар етказган ҳолларда жиноий жавобгарликни белгилайди. Бундай фаолият шахсий манфаат кўзлаб ёки учинчи шахс фойдаси учун пул маблағлари, қимматбаҳо ашёлар, бошқа моддий бойликлар, мулкый характердаги

хизматлар ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни ноқонуний равишда олиш мақсадида амалга оширилади.

Шунингдек, жиноят қонуни ушбу ноқонуний манфаатларни бевосита ёки билвосита берувчи шахслар — яъни бошқа жисмоний шахслар — ҳам жавобгарликка тортилиши кераклигини белгилайди. Бу эса коррупция муносабатларининг ҳар икки томони — манфаат олувчи ва манфаат берувчи — учун жинойий жавобгарликни назарда тутадиган комплекс ҳуқуқий ёндашувдир. Бундай ҳуқуқий тартибга солиш жамият ва давлатнинг бошқарув тузилмаларида шаффофлик, ҳалоллик ва қонунийлик тамойилларини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбир ҳисобланади.

Коррупция ижтимоий ҳодиса сифатида баҳоланиб, шу кунгача унинг ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа жиҳатларини ўз ичига олувчи таърифи ишлаб чиқилмаган.

Афсуски, халқаро ҳуқуқ амалиётида ҳам коррупцияга оид ҳуқуқий тушунчаларни ягона ва аниқ шаклда тартибга солиш ҳалигача тўлиқ амалга оширилмаган. Хусусан, 2003 йилги БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси ва бошқа умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда "коррупция" ёки "коррупцион ҳуқуқбузарлик (жиноят)" тушунчаларига аниқ таъриф берилмаган. Бу эса ҳуқуқий амалиётда коррупцияни квалификация қилиш, унинг аниқ чегараларини белгилаш ва унинг турли кўринишларига нисбатан ҳуқуқий муносабатларни мувофиқлаштириш борасида жиддий муаммоларни келтириб чиқаради. Коррупция ва коррупцион жиноятлар ўртасидаги фарқ аниқ белгиланмаган – амалиётда коррупцияни умумий ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида қараш ва унинг ҳуқуқий жиҳатдан квалификация қилинишида аниқликнинг йўқлиги унинг олдини олиш ва жазо чораларини белгилашни мураккаблаштиради.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда коррупция тушунчаси ушбу ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисани англашнинг тор ёки кенг ёндашувлари орқали талқин этилади. Коррупциянинг ҳуқуқий таърифлари, коррупцион қилмишлар рўйхати ва халқаро коррупцияга қарши ҳужжатлар нормаларининг тизимли таҳлили шуни кўрсатадики, коррупция тушунчасининг мазмуни ва кўламини унинг асосий белгилари орқали аниқлаш мумкин.

Хусусан, МДҲ доирасида унга аъзо давлатларнинг Парламентлараро Ассамблеяси 2003 йил 15 ноябрдаги № 22-15-сонли «Коррупцияга қарши сиёсат тўғрисида қонунчилик асослари» номли Модель қонунини қабул қилган. Ушбу қонунда «коррупция» тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, «коррупция — бу мансабдор шахс томонидан ўзининг ижтимоий-ҳуқуқий мақомидан, хизмат ваколатлари ва мансабий ҳолатидан ноқонуний тарзда шахсий ёки яқин қариндошлар шахслар манфаатига фойда кўриш мақсадида фойдаланиши орқали жамият ва давлат манфаатларига зид равишда моддий ва/ёки номоддий хусусиятдаги имтиёзлар, мулкый ёки бошқа турдаги манфаатларни қонуний асосларсиз қўлга киритишдан иборат ижтимоий хавfli ва ҳуқуққа зид ҳаракатлар мажмуасидир. Шунингдек, коррупция деганда мансабдор шахсларга бевосита ёки билвосита тарзда бундай ноқонуний фойдани тақдим этиш»[8] ҳам тушунилиши кўрсатилган.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган асосий халқаро ҳужжатлар, яъни 2003 йил 31 октябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 58/4-резолюцияси билан қабул қилинган «Коррупцияга қарши Конвенцияси»[9], Европа Кенгашининг «Коррупция учун жинойий жавобгарлик тўғрисидаги 1999 йилги Конвенция»[10]лари ҳам «коррупция» тушунчасини аниқ таърифлашдан тийилган.

Шунга қарамасдан, Европа Кенгашининг 1999 йил 4 ноябрдаги “Коррупция учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция”[11] си, 1996 йил 16 декабрда 51/191-резолюцияси билан қабул қилинган “Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши курашиш тўғрисидаги Декларация”[12], 2000 йил 15 ноябрда 55/25-резолюцияси билан қабул қилинган “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияси”[13], МДХнинг 1999 йил 3 апрелдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Намунавий қонуни”[19], МДХнинг 2003 йил 15 ноябрдаги “Коррупцияга қарши сиёсат тўғрисидаги қонунчилик асослари Намунавий қонуни”[15], Америка давлатлари ташкилоти томонидан 1996 йил 29 мартда қабул қилинган “Ҳамамерика коррупцияга қарши курашиш Конвенция”[16]ларида коррупциянинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

субъекти – давлат органлари мансабдор шахслари;

ноқонуний манфаат олиш – моддий (мулк, хизматлар ёки имтиёзлар) ёки номоддий (маъмурий, сиёсий ёки бошқа устунлик);

мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;

шахсий манфаатнинг давлат ва жамият манфаатидан устун қўйиш - миллий хавфсизликка таҳдид, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик, демократия ва қонун устуворлигига зарар, тенглик ва ижтимоий адолатнинг бузилиши;

учинчи томон манфаатларига зарар етиши – (фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципининг бузилиши - муаллифдан);

ўзаро келишув.

Россия Федерацияси (2008)[17], Беларусь Республикаси (2015)[18] ва Қозоғистон Республикаси (2015)[19]нинг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонунларида берилган таърифлар таҳлил қилинганда, коррупция қуйидаги умумий белгилари билан тавсифланади:

коррупция субъектлари: давлат мансабдор шахслари – давлат органлари (ижро, қонунчилик, суд) ва маъмурий тизимда фаолият юритувчи шахслар ҳамда давлат хизматчиларига тенглаштирилган шахслар – маҳаллий бошқарув органлари, давлат муассасалари ва давлат ташкилотлари ходимлари.

давлат ваколатларидан суиистеъмол қилиш: мансаб мавқеидан шахсий ёки учинчи шахс манфаати учун фойдаланиш.

ноқонуний манфаат олиш: пул, мулк, хизматлар, ҳомийлик, имтиёзлар, рухсатномалар, мулккий ҳуқуқлар каби моддий афзалликларни олиш ёхуд номулкий устунликлар (сиёсий ҳимоя, мансаб кўтарилиши, маъмурий ёрдам) қабул қилиш.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни[20]га кўра эса, “коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш”[20] сифатида таърифланган. Бизнингча, амалдаги қонунчиликда мавжуд коррупция таърифлари етарли эмас, деб ҳисоблаймиз, чунки, уларда ушбу ижтимоий ҳодисанинг барча жиҳатларини қамраб олинмаган.

Хусусан, биринчидан, амалдаги таъриф доирасида фақатгина мансаб ваколатини ғаразли мақсадда суиистеъмол қилиш ва пора бериш каби жиноят таркиблари акс

этирилган. Ваҳоланки, халқаро нормалар талаблари, хорижий давлатлар қонунчилик нормалари таҳлиллари орқали мазкур турдаги жиноятларга бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам киритилишини айтиб ўтиш лозим.

Иккинчидан, лоббизм, протекционизм, таниш-билишчилик, оилавий муносабатлар асосида имтиёз бериш, кўз юмиш, раҳнамолик қилиш ва бошқа шу каби ҳаракатлар қамраб олинмаган. Бу каби коррупциявий ҳолатлар кўпинча шахсий ёки тор доирадаги манфаатларни кўзлаб, моддий мукофот ёки бойлик олишсиз содир этилади. Бундай ҳолатларни эътибордан четда қолдириш, коррупцияга қарши кураш самарадорлигини пасайтириб, унинг жамиятда чуқур илдиз отишига шароит яратади.

«Коррупция» тушунчасига доир аҳолининг фикри ўрганилганда, респондентларнинг 48 фоизи пора олиш дея жавоб берган, шунингдек, сўровчиларнинг 14 фоизи совғалар тақдим этиш, 12 фоизи давлат маблағларини ўзлаштириш, 12 фоизи мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, 8 фоизи мансаб ваколатлари ҳамда давлат мулкани ўз манфаати йўлида фойдаланиш ҳамда 6 фоизи таъмагирлик дея ҳисоблаши аниқланган.

Коррупциянинг назарий таҳлиliga тўхталар эканмиз, унинг белгилари, ўзига хос хусусиятларини ажратиб олиш лозим. Зеро, ушбу кўрсаткичлар коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг чегара доирасини аниқлаштиришга хизмат қилади.

Коррупция ҳар қандай шароитга мослашишда юқори хусусиятга эга. Унинг турлари мунтазам равишда ўзгариб ва такомиллашиб боради. Латентлик унинг асосий хусусиятидир. Шунинг учун бу тўғрисида ҳеч қаерда тўлақонли маълумотлар йўқ[21]. «Коррупция муттасил равишда ўз қиёфасини ўзгартиради ва такомиллашиб боради. Яширинлик – унинг асосий хусусиятидир. Шу боис мазкур ҳодиса ҳақида тўлиқ маълумотлар ҳеч қаерда мавжуд эмас. Суд қаршисида жавоб берган айбдор шахслар эса бундан ҳам камроқ. Амалда айрим, энг қуйи тоифа коррупциячиларгина жазога тортилади»[22]. Коррупциянинг яширинлик белгисининг мавжудлиги борасида Waldemar Walczak[23], Н.Н.Маршакова[24], Т.А.Рубанцова[25], Х.Х.Мелиев каби олимлар яқдил фикрдалар.

Олиб борилган илмий кузатишлар натижасида, юқорида санаб ўтилган белгилардан ташқари, бизнингча коррупциянинг муҳим белгиларидан бири – тизимлилик. Яъни, бу “занжир”, “тизимли”[26] тарзда фаолият юритиши унинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

Тизимлилик белгисини икки хил маънода тушуниш мумкин, яъни биринчиси – мунтазам, тизимли, узлуксиз маъносида (қисман) ва иккинчидан – бу структуравийлик, яъни бу тизимда, “олувчи”, “воситачилик қилувчи”, “фойдадан наф кўрувчи” каби каби субъект турлари иштирок этади.

Биз юқоридаги олимларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, коррупциянинг белгиларини унга берилган таърифдан келиб чиқиб ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, яъни бу белгиларга:

- махсус субъектлар томонидан содир этилиши;
- мансаб ваколатига эга бўлиши;
- жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид равишда содир этилиши;
- мансаб ваколатларидан шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланиши;
- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигининг бузилиши;

- латентлиги;

- муайян манфаатни (моддий ёки номоддий кўринишдаги) кўзлаб содир этилиши кабиларни киритишимиз мумкин.

Назаримизда юқорида келтириб ўтилган белгиларнинг мавжуд бўлиши коррупция билан боғлиқ жиноятларни коррупция билан боғлиқ бўлмаган бошқа мансабдорлик жиноятларидан, шунингдек одил судловга қарши қаратилган жиноятлардан ажратишга имкон беради.

Мазкур муаммони ҳал этишда қуйидагилар таклиф этилади:

Биринчидан, коррупцияга оид жиноятларга нисбатан модулли ва мослашувчан классификацияни жорий этиш лозим. Бунда, таклиф этилаётган классификация турли модулларга асосланиши ва ҳар бир модул муайян мезонлар асосида алоҳида ҳуқуқий тартибга солинади, яъни:

субъектга асосланган модул: давлат хизматчилари, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти вакиллари;

объектга асосланган модул: давлат манфаатлари, жамоатчилик ишончининг шаффофлиги, иқтисодий манфаатлар;

шаклига асосланган модул: фаол (пора бериш), пассив (пора олиш), воситачилик, манфаатдорликни яшириш, виртуал (цифровой) ёки гибрид коррупция;

ҳуқуқий натижа асосидаги модул: жинойий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, интизомий таъсир чоралари.

Бу модуллар ўзаро мувофиқлашган, лекин мустақил ва ўзаро алмаштириладиган бўлиб, вақт ўтиши билан янгиланиши ва кенгайиши мумкин. Бу ечим тизимнинг универсаллиги ва мослашувчанлигини таъминлайди.

Иккинчидан, инновацион ва "эволюцион" таҳлилини қонунчиликка киритиш, яъни, ҳар 2–3 йилда коррупция шакллариининг ўзгаришига бағишланган давлат органлари ҳисоботлари ва илмий таҳлиллар асосида норматив классификацияга қўшимчалар киритиб бориш мумкин. Бу жараёнда ҳуқуқни қўллаш органларининг фикри, халқаро ташкилотлар тавсиялари ва жамият фикри асосида мунтазам экспертиза ва мониторингни йўлга қўйиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилади:

1. Коррупцияга оид ҳуқуқий таърифни кенг ва чуқур ёндошув асосида қайта шакллантириш лозим, яъни унда моддий ва номоддий манфаатлар, субъектларнинг ваколоти, келишув ва латентлик каби белгилар тизимли акс эттирилиши зарур. Жумладан, қуйидаги тушунчалар орқали, амалдаги қонунчиликдаги "коррупция" атамасини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

"Коррупция – бу, шахснинг ўзига берилган мансаб ёки хизмат ваколатларидан, хизмат мавқеидан ёхуд таъсир ўтказиш имкониятларидан шахсий ёки ўзга шахслар (гуруҳ, ташкилот, оила аъзолари) манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш ёки шундай нафни тақдим этиш мақсадида, қонунга хилоф равишда фойдаланиши, шунингдек давлат бошқаруви, хўжалик ёки жамоат муносабатларида шахсий ёки гуруҳвий манфаатлар йўлида қарор қабул қилиш жараёнига ноқонуний таъсир кўрсатишнинг турли шакллари — хусусан, муайян иқтисодий ёки сиёсий қарорларни ўз фойдасига қабул қилдириш учун манфаатли

гуруҳлар орқали босим ўтказиш (лоббизм), хизмат ёки мансаб масалаларида қариндошлик ёки шахсий яқинлик асосида устунлик бериш (непотизм), муайян шахс ёки гуруҳни бошқаларга нисбатан асоссиз қўллаб-қувватлаш ёки ҳимоя қилиш (протекционизм), шунингдек расмий мавқе ёки шахсий алоқалардан фойдаланиб қарор қабул қилувчи шахсларга таъсир кўрсатиш орқали ноқонуний имтиёз ёки наф олиш (таъсир савдоси) каби яширин механизмлар орқали амалга ошириладиган қонунга хилоф фаолиятдир”.

2. Коррупциянинг жиноят-ҳуқуқий чегараларини аниқ белгилаш фақат таъриф билан эмас, балки жиноят таркиби, субъект таркиби, юридик оқибатлар ва махсус мотивлар билан боғлиқ белгилар мажмуи орқали амалга оширилиши керак.

3. Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг таснифини модулли, мослашувчан ёндашув асосида қонунчиликда мустаҳкамлаш (масалан: субъект, шакл, оқибат, манфаат тури, ҳуқуқбузарлик соҳага қараб таснифлаш).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. aljazeera.com; <https://www.transparency.org/en/cpi/2024>
2. <https://africa24tv.com/africa-corruption-nearly-25-of>
3. Corruption undermines human rights and the rule of law // coe.int
4. <https://president.uz/uz/lists/view/7924>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/6600413>
6. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза (2024), 9-14 бетлар // <https://aca.uz/storage/WY8ObPjgaahp6EPE7UapMNRGixt2jf-meta0JzQuNC70LvQuNC5INCc0LDRitGA0YPQt9CwIDlwMjQucGRm-.pdf>
7. Спектор Е. И. Коррупционные правонарушения: проблемные вопросы юридической квалификации // Журнал российского права. 2015. № 8. С. 40–45. DOI: 10.12737/12226
8. Основы законодательства об антикоррупционной политике: Модельный закон принят в Санкт-Петербурге 15.11.2003 г. Постановлением 22-15 на 22-м пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ // Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. Информационный бюллетень. 2004. № 33. С. 225–260 // СПС КонсультантПлюс. // <https://base.garant.ru/2569543/>
9. Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы
10. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27.01.1999 г.) // Бюллетень международных договоров. 2009. № 9. С. 15–29 // URL: <http://base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base=LAW;n=121544> (дата обращения: 09.05.2015)
11. [upload-2019-09-03-09-01-43.pdf](http://base.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc;base=LAW;n=121544)
12. Декларация Организации Объединенных Наций о борьбе с коррупцией и взяточничеством в международных коммерческих операциях — Декларации — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы
13. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml
14. Модельный закон о борьбе с коррупцией: принят в Санкт-Петербурге 3.04.1999 Постановлением 13-4 на 13-ом пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи

- государств-участников СНГ // Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. Информационный бюллетень. 1999. № 21. С. 70–84 // СПС КонсультантПлюс
15. Основы законодательства об антикоррупционной политике: Модельный закон принят в Санкт-Петербурге 15.11.2003 г. Постановлением 22-15 на 22-м пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств-участников СНГ // Межпарламентская Ассамблея государств-участников Содружества Независимых Государств. Информационный бюллетень. 2004. № 33. С. 225–260 // СПС КонсультантПлюс.// <https://base.garant.ru/2569543/>
16. <https://docs.cntd.ru/document/901934990>
17. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_82959/
18. https://kodeksy-by.com/zakon_rb_o_borbe_s_korrupsiy.htm
19. <http://miid.gov.kz/ru/pages/o-protivodeystvii-korrupcii>
20. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 09.08.2023 й., 03/23/860/0571-сон; 05.06.2024 й., 03/24/931/0402-сон; 26.02.2025 й., 03/25/1038/0188-сон
21. Зуфаров Р.А. Порахўрлик – коррупция негизи. Т.: - ТДЮИ. Давлат ва ҳуқуқ, №4, 2000. Б.41.
22. Лунеев В.В. Коррупция, учтенная и фактическая // Государство и право. – 1996. - № 8. – С. 79.
23. Waldemar Walczak. Corruption-Involving Criminal Acts and Legal Corruption – Economic and Legal Aspects // Internal Security Review. 2019. Vol. 21, No. 19. С. 334–356. [Электронный ресурс]. URL: <https://ssrn.com/abstract=3727037> (дата обращения: [укажите дату обращения]).
24. Маршакова Н.Н. Понятие коррупции в международно-правовых актах // Российская юстиция. – 2010. – № 11. – С. 67-71.
25. Рубанцова Т.А. К вопросу определения коррупционного преступления // Крымский научный вестник. – 2017. – № 1(13). – С. 90–98.
26. Доценко И.А. Возможности применения в России зарубежных и международных антикоррупционных механизмов: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М., 2011. – 24 с.; Конвенция ООН против коррупции. Принята резолюцией 58/4 Генеральной Ассамблеей ООН от 31 октября 2003 года // Собрание законодательства Российской Федерации. 2006. – № 26. – Ст. 2780; [Электронный ресурс] – Режим доступа: http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml (дата обращения: 15.06.2021).; Конвенция Организации Объединенных Наций против коррупции — Конвенции и соглашения — Декларации, конвенции, соглашения и другие правовые материалы; Рубанцова Т.А. К вопросу определения коррупционного преступления // Крымский научный вестник. – 2017. – № 1(13). – С. 90–98.; Агапова, Г. Г. Понятие коррупции в российском законодательстве, ее сущность и признаки / Г. Г. Агапова // Молодой ученый. — 2019. — № 2 (240). — С. 89–92. — URL: <https://moluch.ru/archive/240/55454/> (дата обращения: 10.01.2025).; Фаткулин С.Т., Грищенко В.А. Понятие должностных преступлений и проблемы их предупреждения // Вестник Челябинского государственного университета. Серия: Право. 2019. Т. 4, вып. 3. С. 69–80.